ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ Ds.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ

ФАЗИЛОВА ДИЛБАРХОН ШАМУРАДОВНА

СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КООРДИНАТАЛАР РЕФЕРЕНЦ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

01.03.01 – Астрономия

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

УДК: 521.93; 528.0631

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Content of the thesis of doctoral (Doctor of Science) dissertation Abstract

Фазилова Дилбархон Шамурадовна
Сунъий йўлдош технологиялари асосида Ўзбекистон миллий координаталар референц тизимини ишлаб чиқиш .....…… 3

Фазилова Дилбархон Шамурадовна
Разработка национальной референцной системы координат Узбекистана на основе спутниковых технологий .....…… 25

Fazilova Dilbarkhon Shamuradovna
Development of the national reference coordinate system of Uzbekistan on base satellite technologies……..……...…… 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….. 55

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ Ds.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ

ФАЗИЛОВА ДИЛБАРХОН ШАМУРАДОВНА

СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КООРДИНАТАЛАР РЕФЕРЕНЦ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

01.03.01 – Астрономия

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.DSc/FM106 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Астрономия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziyonet» Аҳборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Эгамбердиев Шухрат Абдуманнапович**, физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси академиги
Расмий оппонентлар:	**Малкин Зиновий Меерович**, физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
	Хусомиддинов Сабриддин Самарович, физика-математика фанлари доктори, профессор
	Ильясов Сабит Пулатович, физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	**Россия Фанлар Академияси Астрономия институти**

Диссертация ҳимояси ЎзР ФА Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Ds.2706.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «____»_____соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100124, Тошкент ш, Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел.: (+99871) 289-31-41; факс: (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент ш, Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____»_____даги_____рақамли реестр баённомаси).

М.Ю.Ташметов,
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Р.Ярмухамедов,
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, ф.-м.ф.д., профессор

И.Нуритдинов,
илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда Ер қаъри ва унинг сиртида рўй бераётган жараёнлар индикатори бўлмиш глобал ва минтақавий геодинамик ҳодисаларнинг механизмини қисқа вақт интервали учун космик геодезия усуллари ёрдамида миқдорий баҳолаш ва ўрганиш масалаларни ҳал қилишга катта аҳамият берилмоқда. Шу нуқтаи назардан, деструктив геодинамик жараёнларни ўрганишда миллиметрлар аниқлиги даражасида олиб боришга имкон берувчи Ер таянч координаталар тизимини ва репер-пунктлар тармоғини яратиш вазифаларини ҳал қилиш ўта муҳимдир.

Бугунги кунда жаҳонда алоҳида минтақалар ва давлатлар учун халқаро глобал таянч координаталар тизими ITRS (International Terrestrial Reference System)га интеграциялашув технологияси кўп йиллик астро-геодезик ўлчашлар ва геодезик космик аппаратлар кузатувларини биргалида таҳлил этиш асосида такомиллаштирилмоқда. Бу йўналишда мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: таянч станциялар координаталарининг юқори аниқликдаги каталогини тузиш, турли физик тизимлар орасидаги боғлиқлик параметрларини аниқлаш, ер сирти нуқталарининг уч ўлчамли ҳаракатини ўрганиш, турли кузатув тизимлари маълумотларини биргаликда қайта ишлаш усуллари ва алгоритмларини ривожлантириш.

Мамлакатимизда Ер геометрик шакли ва унинг геодинамик ўзгаришларини сунъий йўлдош ўлчашлари асосида вақтга боғлиқ ҳолда ўрганишга оид фундаментал тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. Таянч пунктлар Фундаментал астро-геодезик тармоғи (ФАГТ) ни яратиш, уни қуриш усуллари ва координаталари аниқлигини янги Глобал навигацион йўлдошлар тизимлари (Global Navigation Satellite System, GNSS) каби ўлчаш технологияларини жорий этиш йўли билан ошириш ва уни халқаро геодинамик тизимнинг амалдаги пунктлари (Китоб, Тошкент, Майданак ва Майдантол) билан биргаликда ишлатиш орқали координаталар аниқлигини оширишга қаратилган амалий соҳаларда ҳам сезиларли натижалар олинди. Лекин Ер сиртининг фаол тектоник ҳаракати йилига 3 – 5 см гача бўлган зонада жойлашган Ўзбекистон ҳудудида ҳозирги кунда статистик деформацияланган СК–42 координаталар тизими амал қилмоқда ва у йўлдош ўлчашлари аниқлиги талабларига жавоб бермайди. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси[1] вазифаларини амалга ошириш учун замонавий инновацион йўлдош технологияларини татбиқ этиш ва юқори аниқликдаги ITRS кинематик позицион тизимига ўтиш орқали координата таъминоти самарадорлигини ошириш лозим.

[1] 2017 йил 07 февральдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 сентябрдаги ПҚ-2045-сонли «Миллий географик ахборот тизимини ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 декабрдаги 1022-сонли "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида координаталар ҳалқаро геодезия тизимларини қўллаш ва улардан очиқ фойдаланиш тўғрисида"ги Қарори ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. "Информациялаштириш ва информацион-коммуникацион технологияларни ривожлантириш" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Миллий геоцентрик таянч координаталар тизимини яратиш ва Ер ориентация параметрларини аниқлаш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан, Марказий геодезия, аэросъёмка ва картография марказий илмий-тадқиқот институти, Астрономия институти, Геофизик марказ, Сибирь давлат Геосистемалар ва технологиялар университети (Россия Федерацияси), Ҳукуматлараро геодезия ва картография қўмитаси (Австралия), Миллий геодезия хизмати (АҚШ), Ер тадқиқотлари маркази (Германия), Миллий география институти (Франция), Сиань Геодезия ва картография илмий-тадқиқот институти (Хитой), Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси, Сейсмология институти, Астрономия институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон миқёсидаги замонавий кузатув усуллари ва координаталар асосини яратиш ва такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари бажарилиб, қатор илмий натижалар олинган, жумладан: тизим ичидаги деформация модели (Intra-Frame Velocity Model) АҚШ ҳудудида 2020 йилгача яратиладиган тўртта (NATRF2022, PTRF2022, CTRF2022, MTRF2022) координаталар тизимларининг асоси сифатида қабул қилинган (Миллий геодезия хизмати); классик астрономик ва сунъий йўлдош ўлчашларини оптимал бирлаштириш усули Россиянинг (Марказий геодезия, аэросъёмка ва картография марказий илмий-тадқиқот институти) ГСК2011 геодезик ва “1990 йил Ер параметрлари” (ПЗ-90.11) Умумер геоцентрик ҳамда Хитойнинг CGCS 2000 координата тизимини яратишда (Сиань Геодезия ва картография илмий-тадқиқот институти) асос сифатида қабул қилинган; таянч пунктлари координаталари ва ҳаракати тезлигини реал вақт режимида маълум эпоха учун аниқлаш Австралия GDA 2020 (Geocentric Datum of Australia GDA2020) кинематик геоцентрик координаталар тизимида (Геодезия ва картография бўйича ҳукуматлараро қўмита, Австралия) фойдаланиш учун таклиф қилинган; геотектоник районлаштириш асосида

пунктларнинг кинематик моделлари яратилган ва уларнинг ҳаракат тезликлари ҳисобланган (Астрономия институти, Геофизик марказ, Россия; Сейсмология институти, Ўзбекистон); Ер гравитацион майдони глобал модели маълумотлари нормал баландликларни ҳисоблаш учун қўлланилган (Ер тадқиқотлари маркази, Германия; Ислом университети, Эрон; Астрономия институти, Ўзбекистон).

Халқаро ITRS тизимининг маҳаллий ҳудудлари рельефи ва тектоник хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда интеграциялаш усулларини яратиш бўйича қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: квазигеоид ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган координаталарни алмаштириш математик моделини қуриш, қайта ишлаш усуллари ва пунктларнинг координаталари ўзгаришига ташқи муҳит (атмосфера, гидрологик ва б.) таъсирини ўрганиш, Ер глобал гравитацион модели маълумотлари асосида баландликлар рақамли маҳаллий моделларини қуриш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда жахоннинг етакчи олимлари, масалан, россиялик (Г.Г. Демьянов, В.П. Горобец, Г.Г. Побединский, Е.Г. Гиенко), белоруссиялик (Н.И. Рудницкая), австралиялик (G. Glendon, R.Harvey, W. Featherstone), хитойлик (P.Cheng，H.Wen), испаниялик (L. Zurututa ва M. Sevila) томонидан тўғрибурчакли ўнг томонли Евклид фазосидаги координата тизимлари орасидаги ўтиш параметрларини аниқлаш соҳасида катта ҳажмдаги назарий ва амалий ишларни бажардилар. Бу ишларнинг кўпчилигида 7 параметрли Гельмерт тўғрибурчакли координаталар ўтишидан фойдаланилган. Математик моделлаштириш ўтказиш, Кардано бурчакларига буриш ва масштаблаштириш операцияларидан фойдаланилган ва "умумий нуқталар” усулига асосланган. Лекин фақат нашр этилган алмаштириш параметрларидан ва квазигеоид тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилган, аммо уларнинг аниқлиги баҳоланмаган.

Умумлашган геотектоник районлаштириш моделлари геоцентрик координаталар тизимини қуришда ишлатилди. Пунктлар ҳаракати ва геодинамик қаторлар ташкил этувчилари таҳлили россиялик (Г.М.Стеблов, В.И. Кафтан), америкалик (D. Smith, R. Dan, S. Hilla), японияли к (J. Li, K.Miyashita, T.Kato, S.Miyazaki) ва жазоирлик (S. Knelifa) олимлар томонидан ўтказилган. Вақт қатори мавсумий ташкил этувчисининг ўзгариши таянч координаталар тизимини қуришда систематик хатоликларга (З.М. Малкин), маълумотларни қайта ишлаш моделида эса (J. Bogusz, A. Klos, G. Moreaux) таянч пункт барқарорлигига таъсир этиши анқланди. Ўзбекистон ҳудуди учун сунъий йўлдош ўлчашлари асосида горизонтал ва вертикал силжишлар харитаси тузилди (А.Р.Ярмухамедов, К.Е.Абдурахманов, К.Н. Абдуллабеков, А.В. Зубович, Л.А. Хамидов). Реал вақт режимида силжишларни баҳолаш ва зилзилани прогноз қилиш услубини яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда (С.С.Хусомиддинов). Лекин минтақаларнинг ҳозирги ҳаракатини аниқ баҳолаш учун австралиялик (J. Haasdyk) ва янгизеландиялик

(G. Blick, D. Grant) олимлар тадқиқотларида асосланган таянч пунктларининг вақт қаторларини прогнозлаш модели зарур.

Гравиметрик кузатиш ва шоқул чизиғининг оғишини кузатиш маълумотларини сунъий йўлдош ўлчашлари билан бирлаштириш орқали охирги йилларда Австрия (R. Pail, N. Kuhtreiber, B. Wiesenhofer, B. Hofmann-Wellenhof), Германия (R. Machotka, M. Kuruc, T. Volarik) ва Чехиянинг (C. Hirt, B. Bürki, A. Somieski) локал геоид моделлари қурилди. Ҳозирги вақтгача EGM2008, EIGEN-6C4 ва маҳаллий рақамли баландликлар модели учун йўлдош GNSS нивелирлаш каби Ер гравитацион майдони глобал моделларини амалда қўллаш имконияти деярли ўрганилмаган (В.Б. Непоклонов, А.П. Дмитренко).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Астрономия институти амалий илмий-тадқиқотлар режасининг ФА-А17-Ф077 «Ўзбекистон геодезик базисининг аниқлигини ошириш, хавфли тектоник ҳодисаларни прогноз қилиш мақсадида Ер ионосферасининг паст частотали электромагнит нурланишларини тадқиқ этиш» (2009-2011); А5-ФА-Ф033 «Юқори частотали GNSS маълумотлар ва Ер атмосфераси F, D қатламлари мониторинги асосида баланд координитилар тизимининг аниқлигини ошириш усулини ишлаб чиқиш (2012-2014); ФА-А5-Ф014 «Замонавий глобал новигацион йўлдошлар тизими учун Ўзбекистон Республикаси учун унинг ҳудудий геодинамик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда геодезик асосларини яратиш» (2015-2017) илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида классик астрономик ва замонавий сунъий йўлдош технологиялари маълумотларини самарали жамлаш имконини берувчи ITRS (International Terrestrial Reference System) халқаро тизимини интеграциялаш йўли билан замонавий юқори аниқликка эга миллий геоцентрик координаталар тизимини ишга туширишни оптималлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

глобал навигацион йўлдош тизимлари GNSS технологияларидан фойдаланиб тизим яратишда Ўзбекистон Республикаси учун асосий ҳисоббоши тизимини танлаш;

ITRS глобал таянч координаталар тизими асосида миллий геоцентрик координаталар тизимини интеграциялаш ва такомиллаштириш усулларини ривожлантириш;

маҳаллий давлат СК–42 тизими ва ITRS глобал таянч координаталар тизими орасидаги ўтиш параметрларига республика ҳудудидаги маҳаллий рельеф факторлари таъсирининг катталигини баҳолаш ва тадқиқ этиш;

маҳаллий СК–42 давлат тизими ва ITRS геоцентрик координаталар тизими орасидаги ўтиш параметрларини ҳисоблаш усуллари ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш;

минтақадаги геофизик ва гидрологик жараёнлар маълумотларидан самарали фойдаланиш ва таҳлил қилиш учун вақт қаторларининг узоқ даврли мавсумий ташкил этувчилари катталикларининг прогноз моделларини яратиш;

Ўзбекистон ҳудудида нормал баландликлар тизимини ривожлантириш учун анъанавий классик нивелирлаш усулларига муқобил равишда энг янги EGM2008 и EIGEN–6C4 Ер гравитацион майдони глобал моделлар аниқлигини тадқиқ этиш;

GNSS ўлчашлар ва Ер гравитацион майдони глобал моделлари маълумотлари асосида нормал баландликлар рақамли тизимини шакллантириш усулларини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида GNSS глобал навигацион йўлдош тизими ва бошқа илғор технологиялардан самарали фойдаланиш имконини берувчи юқори аниқликдаги замонавий координаталар асоси ва геодезик репер-пунктлар тармоғи олинади.

Тадқиқотнинг предмети трансформацион моделлар ва турли координата тизимлари орасидаги ўтиш параметрлари физик реализацияси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги GNSS пунктларининг вақт қаторлари ҳамда прогноз моделлари, EGM2008, EIGEN−6C4 Ер глобал гравитацион моделларидир.

Тадқиқотнинг усуллари. СК–42 ва WGS–84 тизимлари орасидаги ўтиш параметрларини, вақт қаторлари таркибини аниқлаш ва нормал баландликлар рақамли моделини қуриш учун ўз ичига назарий умумлаштириш ва экспериментал тадқиқотларни математик моделлаштириш, маълумотлар базаси билан ишлаш ҳамда спектрал таҳлил қилиш комплекс усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

республика ҳудуди учун миллий геоцентрик таянч координаталар тизимини танлаш ва уни оптимал ишлатишга оид техник тавсиялар ишлаб чиқилган;

геоцентрик тизимга ўтиш учун шоқул оғишини астрономик ўлчашлардан фойдаланиб, «умумий нуқталар»ни аниқлаш усули яратилган;

СК–42 маҳаллий координаталар тизимидан WGS–84 геоцентрик координаталар тизимига ўтишда амалиётда қўлланилаётган трансформация параметрлари аниқлигининг ҳудуд рельефига боғлиқлиги аниқланган;

республика ҳудудида СК–42 маҳаллий координаталар тизими ва WGS–84 геоцентрик координаталар тизими орасидаги координаталарини қайта ҳисоблаш учун алгоритмлар, математик моделлар ҳамда уларга мос дастурий мажмуа ишлаб чиқилган;

республика сунъий йўлдош тизимининг янги станциялари координаталарини ҳисоблаш учун юқори аниқликдаги позициялаш усулидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

доимий, мавсумий ва норегуляр ташкил этувчиларни аниқлаш, тектоник, гидрологик ҳамда техноген таъсирларни баҳолаш учун республика таянч

станциялари координаталари ўзгаришларининг прогноз модели ишлаб чиқилган;

EGM2008 Ер глобал гравитацион майдони модели ва GNSS−ўлчашлардан фойдаланиб, нормал баландликларни ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижилари қуйидагилардан иборат:

GNSS йўлдош тизими юқори аниқликдаги орбиталари ва соат тузатмаларини қўллаш асосида давлат тизими янги станцияларининг координаталарини ҳисоблаш учун оптимал усул яратилган;

шоқул чизиғи оғишини астрономик аниқлашлардан фойдаланиб, таянч пунктларнинг режавий координаталари маълумотлар базаси яратилган;

координаталарни СК–42 маҳаллий тизимидан WGS–84 геоцентрик координаталар тизимига ўтказиш учун дастурий таъминот яратилган;

республика таянч станциялалари координаталари ўзгаришининг тренди ва мавсумий ташкил этувчилари модели тузилган;

минтақа рақамли моделини шакллантириш учун турли хил интерполяция усуллари таҳлили бажарилган;

республика ҳудуди учун баландликларнинг ўзгариш бошланғич рақамли модели яратилган;

республика йўлдош тизими бошланғич пунктлари учун оғирлик кучи аномалияси миқдори баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий математик моделлаш усулларининг қўлланиши билан асосланади. Бу усуллар асосида атроф-муҳит ташқи вақт қаторларига таъсирини ўрганиш учун алгоритм ва моделлар ҳамда бу алгоритмларни реализация қилувчи дастурий мажмуа яратилган. Иш натижаларига кўра минтақанинг кинематик модели параметрлари оптималлаштирилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган моделларни турли ер координаталари тизими орасидаги параметрлар боғлиқлигини аниқлаш ва ер қобиғи нуқталарининг уч ўлчамли ҳаракатини баён қилиш учун қўллаш имконияти мавжудлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар астро−геодезик ва сунъий йўлдош тизимларини бирга тенглаштириш, геотектоник районлаш моделини қуриш, гравитацион майдон параметрларини аниқлаш ҳамда маҳаллий геоидни қуришда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон миллий координаталар референц тизимини ишлаб чиқиш асосида:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таянч координаталар тизимини танлаш ва оптимал қўллаш, СК-42 маҳаллий координаталар тизимидан WGS-84 геоцентрик координаталар тизимига ўтиш параметрларини танлаш бўйича тавсиялар Тошкент вилояти ва Фарғона водийсида йўлдош тизими пунктлари координаталарини ҳисоблаш учун қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 1 майдаги 02-02-3413-сон маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши таянч станциялар ишининг ишончлилигини таъминлаш, реал вақт режимида ўлчашлар ўтказиш сифатини ошириш имконини берган;

юқори аниқликдаги позициялаш усули Китоб станциясида ва янги станциялар, Тошкент, Майданак, Майдонтол жойини танлаш учун ФА-А5-Ф016 «GPS-метеорология усули билан Ўзбекистон юқорисидаги тропосфера сув буғлари миқдорини оператив мониторинг қилиш» (2015-2017) амалий лойиҳа доирасида зенит тропосферик кечикишларини функционал моделини экспериментал асослашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 28 майдаги 2/1255-1431−сонли маълумотномаси). Мазкур усул қўлланилиши кам техник ҳаражатлар билан GNSS станциялар баландликларини ўзгаришини баҳолаш имконини берган;

классик ўлчашлар, топографик хариталар ва баландликлар аномалияси ва EIGEN-6C4, EGM2008 гравитацион моделлар маълумотлари бўйича аниқланган нормал баландликларни ва оғирлик кучи тезланишининг аниқлаш услуби республика баландлик тизимини ўрнатишда фойдаланиш учун тавсия қилинган (Ўзбекистон Республикаси Геодезия ва картография миллий марказининг 2018 йил 1 майдаги 02-02-3413-сон маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши Республика ҳудуди учун аниқ геоиднинг йўқлигини эътиборга олган ҳолда, миллий геоцентрик координаталар тизимининг ягона баландлик ташкил этувчисини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот 19 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш нашр қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиянинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шулардан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. ЎзР интеллектуал мулк Агентлигида ЭҲМ учун 3 та дастур қайд этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 165 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Республика миллий таянч координаталар тизимини яратиш муаммолари ҳақида"** деб номланган биринчи бобида таянч координаталар тизимини яратишга оид эксперименталь ва назарий тадқиқотлар бўйича адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган.

TRS1 тўғри бурчакли тизимдан бошқа бир TRS_2 тўғри бурчакли тизимга ўтишда минтақа рельефи ва тектоник шароитларни ҳисобга олган ҳолда координаталар трансформацияси модели реализацияси варианти билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор берилган:

$$\overrightarrow{X}^{(2)} = \overrightarrow{T}_{1,2} + \lambda_{1,2} \cdot R_{1,2} \cdot \overrightarrow{X}^{(1)}, \qquad (1)$$

бу ерда $\overrightarrow{T}_{1,2}$ – кўчиш вектори, $\lambda_{1,2}$ – масштаб фактори, $R_{1,2}$ – координата ўқларининг буриш матрицаси.

Координаталар тизимини қуриш ва тадқиқотлар ўтказиш учун икки мустақил компонентлар: UzGRS (Uzbekistan Geodetic Reference System) Геодезик референц тизими ва UzVRS (Uzbekistan Vertical Reference System) баландлик референц тизимларидан тузилган UzPOS (Uzbekistan Positioning) Фазовий ер таянч координаталар тизимининг таркибий схемаси келтирилади. UzPOS республиканинг GNSS ФАГТ тизими 50 та станция асосида қурилади (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон ФАГТ тизими схемаси

Бугунги кунда республикада WGS–84 умумжаҳон тизимида пунктларнинг юқори аниқликдаги координаталар каталоги деярли тузилмаган. Амалий масалаларни ечиш учун ҳозирда республикада ERDAS IMAGINE, Mapinfo, ArcGIS дастурлари ишлатилмоқда. Бу дастурларда ГОСТ 51794–2008 да тавсия қилинган параметрлардан ташқари бошқа параметрлар ҳам дастурий ишлаб чиқилган (1-жадвал).

1-жадвал

Республикада қўлланилувчи WGS – 84 дан СК−42 га ўтиш параметрлари

№	Кўчиш вектори (м)			Манба	Қўлланилиш ҳудуди	Аниқлик (м)
	T_X	T_Y	T_Z			
1	-23.92	141.27	80.9	ГОСТ 51794-2001 ва EPSG::1267	Россия Федерацияси ва чегарадош вилоятлар	Баҳолаш бажарилмаган
2	-27	135	84.5	ERDAS IMAGINE Пулково 1942 ва EPSG::1807	Озарбайжон ва чегарадош вилоятлар	10
3	-24	123	94	ERDAS IMAGINE System 42/83 (Пулково) ва EPSG::1675	Германия	2
4	-25	141	78.5	EPSG::15865	МДҲ давлатлари, Ўзбекистон билан	4.5

Икки тизимдаги координаталар фарқи CATS (Central Asia Tectonics Sciences) халқаро тизими юқори аниқликдаги ўлчашларидан фойдаланиб ўтказилган дастлабки баҳолаш олинаётган натижаларнинг 130 м гача фарқланишини ва GNSS станциялари ўлчашларини қайта ишлаш масалаларини тадқиқ этиш, фойдаланилаётган моделлар ҳамда СК–42 ва WGS–84 орасидаги ўтиш калити аниқлигини баҳолаш лозимлигини кўрсатди.

Галактикалар, юлдуз тизимлари, сайёралар ва уларнинг йўлдошлари каби объектларнинг айланма ҳаракати туфайли геодинамик жараёнларни тадқиқ этиш реал вақт режимида босим (атмосфера, гидрологик нагрузка, тектоник силжишлар ва б.) таъсири билан боғлиқ вақт бўйича координаталарнинг ўзгариши ҳақида вақт қаторларининг прогноз моделлари асосида маълумот олишни талаб этади.

Ва, ниҳоят, турли хил физик координата тизимларини физик бирлаштириш учун минтақанинг квазгеоидини билишни талаб қилади. Баландлик асосининг аниқлиги режадаги координаталардан ҳозирча ўн мартага пастлигини эътиборга олиб, Ер глобал гравитацион модели ва GNSS

ўлчашларидан фойдаланиб, маҳаллий рақамли моделни шакллантириш усулларини тадқиқ этиш лозим.

Диссертациянинг “**WGS–84 халқаро геоцентрик координаталар тизими ва СК–42 давлат координаталар тизими ўртасидаги ўтиш параметрларини тадқиқ этиш**” деб номланган иккинчи бобида чегараланган ҳудуд учун йўлдош ва ер геодезик тизимлари аниқлигини оптимал мослаш муаммоси тадқиқ этилган. WGS–84 тизимида пунктларнинг юқори аниқликдаги йўлдош координаталари каталогини тузиш учун йўлдош позициялаш дифференциал методига муқобил равишда Precise Point Positioning усули кўриб чиқилган. Бунда фақатгина эфемерида-вақт маълумоти (ЭВМ) аниқлигига боғлиқ L фазанинг ионосфера-эркин комбинациялар (IF) модели ва (P) коддан фойдаланилган:

$$P_{IF} = \rho + cdt^{r}_{P_{IF}} - cdt^{s}_{P_{IF}} + T + \varepsilon_{P_{IF}} \quad (2)$$

$$L_{IF} = \rho + cdt^{r}_{P_{IF}} - cdt^{s}_{P_{IF}} + T - \lambda_{IF} N_{IF} + (b^{r}_{L_{IF}} - b^{r}_{P_{IF}}) + (b^{s}_{L_{IF}} - b^{s}_{P_{IF}}) + \varepsilon_{L_{IF}} \quad (3)$$

бу ерда L_{IF}, P_{IF} – приемник билан ўлчанган фаза ва псевдоузоқлик, ρ – геометрик масофа, c – ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги, $dt^{r}_{P_{IF}}, dt^{s}_{P_{IF}}$ – приемник ва йўлдош соатининг хатоликлари, T – тропосфера кечикиши, $\varepsilon_{P_{IF}}, \varepsilon_{L_{IF}}$ – хатолик (шовқин) ҳамда код ва фазанинг моделланмайдиган таъсири, λ_i – i-частотадаги тўлқин узунлиги, N – фазанинг бир маъноли эмаслиги, $b^{r}_{P_{IF}}, b^{r}_{L_{IF}}$ - приемник жиҳозлари силжиши, $b^{s}_{P_{IF}}, b^{s}_{L_{IF}}$ – йўлдош жиҳозлари силжиши.

Икки онлайн сервис Precise Positioning Service, APPS ва Canadian Spatial Reference System, CSRS маълумотлари таҳлили. APPS хизмати Bernese 5.1 дастурида олинган “эталон” натижалар билан таққосланган. Статистик режимда (GIPSY-OASIS 5, CSRS) ва турли ЭВИ (JPL, IGS) моделлари таҳлилининг GNSS тизими Фарғона (FERG) ва халқаро Китоб (KIT3) янги станциялари координаталарини топиш аниқлигига таъсири тадқиқ этилди. Координаталарнинг ўртачаквадратик хатолиги (ЎКХ) режали ва баландлик координаталарига мос равишда KIT3 станцияси учун 12 мм ва 9 мм ни ва FERG станцияси учун 11 мм ва 5 мм ни ташкил этди. Тўғрибурчакли геоцентрик координаталар учун сантиметрли аниқлик даражасига эришиш учун 30 секундлик суткалик ўлчашлар ва 5 минутлик интервалда ЭВИ дан фойдаланилди. Бунда APPS хизматида маълумотларни қайта ишлаш тезлиги CSRS сервисдан кўра самаралироқ бўлди. Эллиптик координаталар (N, E, U) учун ЎКХ режа бўйича ўртача 22 мм ни, баландлик бўйича 6 мм ни ташкил этди. Баландлик бўйича икки марказ натижалари орасидаги 40 см гача бўлган сезиларли четланиш ушбу минтақада геоиднинг етарлича ўрганилмагани ва EGM2008 глобал моделидан фойдаланилгани билан тушунтирилади.

СК–42 давлат тизимининг кўплаб пунктлари йўқотилганлиги эътиборга олиниб, янги тизим пунктларини марказлаштириш ва ўқларни оптимал ориентациялаш учун шоқул чизиғи оғишини астрономик аниқлашларга маҳаллий боғлаш алгоритми ишлаб чиқилди. СК–42 тизимида (B, L) координаталар II тур дифференциал тенгламадан топилади, бунда СК–42 тизими бошланғич пункти координаталарини шоқул чизиғи оғишининг ташкил этувчилари асосида ҳисоблаш шарти қўйилади. $B_{1,\text{WGS-84}}$, $L_{1,\text{WGS-84}}$ нуқта учун WGS–84 тизимидаги катта яримўқи $a_{\text{WGS-84}}$ ва $\alpha_{\text{WGS-84}}$ сиқиқликка эга эллипсоидидаги триангуляцининг қандайдир $B_{2,\text{WGS-84}}$, $L_{2,\text{WGS-84}}$ нуқтасининг янги $B_{2,\text{СК-42}}$, $L_{2,\text{СК-42}}$ координаталари катта яримўқи $a_{\text{СК-42}}$ ва $\alpha_{\text{СК-42}}$ сиқиқликка эга бошқа эллипсоидда кенглама ва узунлама тузатмалари (db, dl) орқали аниқлаш мумкин:

$$db'' = -b\left[\frac{da}{a} - (2 - 3\sin^2 B_m)d\alpha\right] \tag{4}$$

$$dl'' = -l\left[\frac{da}{a} + \sin^2 B_m d\alpha\right], \tag{5}$$

бу ерда m – 1 ва 2 нуқталар орасидаги катталикнинг ўртача миқдори. (λ_1,φ_1) астрономик координаталарга эга Китоб станцияси тизимнинг бошланғич пункти сифатида танланди ва у келгусида минтақанинг маҳаллий геоиди аниқ моделини шоқул чизиғига (ξ_1, η_1) боғлаш орқали қуриш имконини яратади:

$$L_{2,СК-42,Китаб} = \lambda_1 - \eta_1 \sec\varphi_1 = 66^\circ 53' 8''.8870 - 5''.4774$$

$$B_{2,СК-42,Китаб} = \varphi_1 - \xi_1 = 39°08'1''.7562 - 3''.4989$$

CATS тизими учун СК–42 ва WGS–84 тизимлардаги координаталар фарқи кенглама бўйича 0 дан 4 м гача, узунлама бўйича 0 дан 6 м гача боради. Ушбу усул алгоритми ишнинг тўртинчи бобида янги координата тизимининг рақамли баландлик моделини қуришда қўлланилди.

Чоп этилган параметрларни (1-жадвал) баҳолашда “умумий” нуқталар ясси (2-расм) ва эллипсоидал (3-расм) координаталар учун аниқланди.

Ҳисоблаш босқичлари	Изоҳ
$(x,y)_{\text{СК-42 ҳақиқий}}$	Координаталарнинг Гаусс-Крюгер топохаритаси проекциясидаги қийматлари
$(X,Y,Z)_{\text{WGS –84}} \longrightarrow (X, Y, Z)_{\text{СК-42 баҳоланган}}$	Гельмертнинг 7 параметрли модели
$(X, Y, Z)_{\text{СК-42 баҳоланган}} \longrightarrow (B,L,H)_{\text{СК-42 баҳоланган}}$	Тўғрибурчакли координаталарни эллипсоидалга ўтказиш
$(B,L,H)_{\text{СК– 42 баҳоланган}} \longrightarrow (x,y)_{\text{СК – 42 баҳоланган.}}$	Гаусс-Крюгер проекциясида координаталарни аниқлаш
$(x,y)_{\text{СК– 42 ҳақиқий}}$ (=?) $(x, y)_{\text{СК – 42 баҳоланган}}$	Реал ва қайта ўзгартирилган (баҳоланган) координаталарни ҳисоблаш

2-расм. “Умумий” нуқталар координаталарини аниқлаш алгоритми

Ишда 1:100 000 масштабли топографик хариталардан фойдаланилди. Қатор коэффиецентларидан фойдаланувчи, Красовский эллипсоиди учун ҳисоблаб топилган Гаусс-Крюгер проекцияси режа координаталарини ўзгартириш ГОСТ Р 51794 – 2008 да тавсия этилган даражали қаторни ёйиш орқали бажарилган ва улар келгусида маҳаллий эллипсоидни қуриш учун ушбу алгоритмдан фойдаланиш имконини беради.

Ҳисоблаш босқичлари	Изоҳ
$(x,y,h)_{СК-42\ ҳақиқий}$	Координаталарнинг Гаусс-Крюгер проекциясидаги қийматлари, топохаритадаги нормал баландликлар қийматлари
$(x,y)_{СК-42\ ҳақиқий} \longrightarrow (B,L)_{СК-42\ ҳақиқий}$	Эллипсоидал координаталарга формулалар орқали ўтказиш
$(B,L,H)_{WGS-84} \longrightarrow (B,L,H)_{СК-42\ баҳоланган}$ $\downarrow$	Молоденскийнинг 7 параметрли модели
$(B,L,H)_{СК-42\ ҳақиқий}(=?)(B,L,H)_{СК-42\ баҳоланган}$	Ҳақиқий ва қайта ўзгартирилган (баҳоланган) координаталарни ҳисоблаш

3-расм. WGS – 84 ва СК – 42 тизимлараро ўтиш параметрларини эллипсоидал координаталар учун баҳолаш алгоритми

Ушбу параметрларни баҳолаш ва алгоритмларни синаб кўриш халқаро KIT3, MTAL, MADK ва TASH станцияларининг маълумотларидан фойдаланиш орқали бажарилган. Режа координаталарнинг ҳақиқий ва ҳисобланган катталиклари орасидаги фарқ 4-расмда кўрсатилган. Натижалар ***x*** координатаси учун, станциянинг жойлашувидан қатъий назар 42 дан 90 метргача бўлган бир хил диапазонда тебраниши аниқланди. ***y*** компонента учун фарқ 4 м дан 95 м гача тебранади. Катта фарқ MTAL станцияси учун аниқланди, бунга ўз-ўзидан, қўшимча, тектоник дрейфдан ташқари, гидрологик таъсир сабаб бўлган. Икки тизим (WGS – 84 ва СК – 42) координаталарини солиштириш қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди. Тоғли ҳудудларда жойлашган KIT3, MTAL ва MADK станциялари учун координаталар фарқи узунлама бўйича 200 м дан ошди. Бу, шубҳасиз, координацияларни ўзгартиришда геоид модели ва пунктларнинг хусусий ҳаракатини ҳисобга олиш лозимлигини тасдиқлайди. Иккинчидан, СК – 42 ва WGS – 84 орасидаги ўтиш параметрлари наборидан ГОСТ 51794 – 2008 бўйича фақат республикамизнинг текислик ҳудудларида тизимни дастлабки

тенглаштириш пайтидагина фойдаланиш тавсия этилади. Ва, учинчидан, тармоқ, ҳудудни рельеф хусусиятларига кўра тақсимланиш усули бўйича тенглаштирилиши лозим.



4-расм. СК – 42 тизимида ҳисобланган ва топографик хариталардан олинган (“ҳақиқий”) координаталар фарқи

Диссертациянинг **“Миллий таянч координаталар тизимини қуриш учун вақт қаторларининг асосий ташкил этувчиларини моделлаштириш”** деб номланган учинчи бобида KIT3, MADK, TASH, MTAL ва KIUB халқаро станциялари вақт қаторлари декомпозицияси адаптив моделидан фойдаланилиб кўриб чиқилган:

$$S(t_i) = T(t_i) + C(t_i) + E(t_i) \qquad (6)$$

бунда қаторнинг t_i (i = 1, 2, 3, .. , N) кузатув моментида олинган ҳар бир $S(t_i)$ компоненти ўз ичига қуйидагиларни олади: $T(t_i)$ тренд – вақт давомида ўзгарувчи узоқ даврли компонент; даврий ташкил этувчи циклик тебраниш $C(t_i)$ – мавсумий ўзгаришлар билан боғлиқ; стохастик ташкил этувчи $E(t_i)$ – ташқи таъсирлар, ўлчаш ва таҳлил билан боғлиқ тасодифий ва доимий флуктуациялар билан боғлиқ. Аналитик марказларнинг (EPOS.P8, GIPSY / OASIS II ва б.) дастурий комплексларида ишлатилган GNSS ўлчашлар маълумотларини қайта ишлашнинг турли моделларидан фойдаланиб, баҳоланган координаталарни топиш аниқлиги горизонтал компонентлар учун 1–3 мм ораликда, вертикал учун 2–6 мм орасида ётади. Маҳаллий трендаги, координаталарнинг вертикал мавсумий ташкил этувчиларидаги ўзгаришлар дастлабки маълумотларнинг таҳлил модели, тропосфера кечикишини ҳисобга олиш, эфемерид-вақт маълумотлари ва бошқа омилларнинг артефактлари бўлиши мумкин. Турли хил кузатув методлари, йўлдош ўлчовлари маълумотларини таҳлил қилиш усуллари ва, албатта, станциялар жойлашувининг таянч координаталар тизимини қуришга таъсири ўрганилди.

Узоқ даврли компонентлар ва моделдан олинган тренд тенгламасининг таҳлили барча станцияларнинг вертикал ташкил этувчисида ҳамда MADK ва

MTAL (R^2<0.5) каби станцияларнинг горизонтал ташкил этувчиларида ночизиқли ҳаракат борлигини кўрсатди. (5-расм)



5-расм. MADK ва MTAL пунктларининг кенглама (N) ва узунлама (E) учун кузатув ва тренд маълумотлари

Станциялар хусусий ҳаракатини аддитив модел бўйича ҳисоблаш ва NNR-NUVEL-1A, GSRM v1.2, GEODVEL2010, ITRF2008 (2-жадвал) глобал тектоник моделлари билан солиштириш натижалари ITRF2008 пунктларининг глобал моделидан янги тизимни тенглаштириш учун фойдаланиш имконини яратади, деган хулосани берди. Лекин 2-жадвалда келтирилган пунктларнинг горизонтал тезликларини ҳисоблаш натижалари ҳам ITRF2008 тизимининг минтақада етарлича зич эмаслиги ҳамда тизимнинг таянч станцияларини минтақанинг рельеф шароитларини ҳисобга олиш шарти билан геотектоник районлаштириш лозимлигини кўрсатди.

Илк бор тадқиқ этилаётган минтақа учун мавсумий йиллик сигнал Фурье алмаштиришлари ва аддитив моделдан фойдаланиб баҳоланди. Спектрал таҳлил йиллик сигнал амплитудасининг кенглама учун 1.73 мм дан 8.76 мм гача, узунлама учун 0.82 дан 11.92 мм гача, баландлик учун 3.11 дан 40.81 мм гача тебранишини кўрсатди. MTAL ва и MADK станциялари учун мавсумий ўзгаришлари сирт сувлари (айниқса қор) босимининг таъсирига боғлиқ. Бундан ташқари, TASH ва MTAL станциялари учун Айдаркўл-Арнасой тизимига яқин жойлашуви билан боғлиқ геофизик жараёнлар туфайли тушунтирилувчи йиллик сигнал фазасининг силжиши ҳам аниқланди. Китоб станциясининг турли техникалари (GPS ва DORIS) учун 4.5 ойдан 8.4 ойгача бўлган сигнал фазаларининг фарқи олинди.

2-жадвал

Пунктларнинг горизонтал тезликлари қийматлари (v_N, v_E)

Пункт	Аддитив модель		GEODVEL 2010		ITRF2008		NUVEL 1A		GSRM v1.2	
	v_N мм/й	v_E мм/й	v_N мм/й	v_E мм/й	v_N мм/й	v_E мм/й	v_N мм/й	v_E мм/й	v_N мм/й	v_E мм/й
KIT3	5.44	27.55	2.98	27.67	4.12	28.18	0.24	25.98	3.81	29.71
KIUB	4.38	27.38	2.98	27.67	4.12	28.18	0.24	25.98	3.81	29.71
TASH	4.49	26.65	2.32	27.64	3.43	28.19	-0.45	25.97	3.09	29.70
MADK	5.48	26.65	2.98	27.70	4.11	28.21	0.24	25.99	3.81	29.74
MTAL	0.78	21.84	1.95	27.63	3.05	28.20	-0.84	25.95	2.69	29.71

Аддитив модель бўйича вақт қаторларининг даврий компонентлари кўтарилиш ва гидрологик таъсирнинг ярим суткалик, суткалик, икки ҳафталик, ойлик ва узоқ муддатли даврлари билан боғлиқ мураккаб тузилишга эга. Шундай қилиб, геомаълумотлар ва гидрологик моделлар (GRACE каби) комбинацион тадқиқотлар таянч пунктлари координаталарининг мавсумий ўзгаришларини интерпретациясида қўлланилиши лозим.

KIUB ва KIT3 станциялари вақт қаторлари стохастик компонентларини таҳлил этиш натижаси KIUB станциясининг DORIS қаторлари 2003 йилдан сўнг орбиталарни аниқлаш ва позициялаш аниқлиги ошгани ва 3 авлод маёқи ускуналарининг ўрнатилиши туфайли анча барқарорлигини кўрсатди. Тропосфера маълумотлари (температута ва босим) ўртасидаги корреляция 50 % бўлиши тропосфера кечикиши моделини яхшилаш зарурати борлигини кўрсатади. (6-расм)





6-расм. Китоб станциясида вақт қаторларининг (GPS, DORIS) ҳарорат ўзгаришлари билан стохастик компонентларининг корреляцияси

Барча пунктлар учун вақт қаторлари тренди ва мавсумий компонентлари қиймати бўйича прогноз модели қурилди, унинг кузатув билан мослашув даражаси 95% ни ташкил этди (7-расм). Аддитив модель бўйича олинган прогноз катталиклардан минтақадаги геофизик жараёнларни интерпретациялашда фойдаланилиши мумкин.



7-расм. GNSS (TASH, KIT3, MADK, MTAL) ва KIUB DORIS станцияси координаталарининг кузатилган (кулранг) ва моделга асосан ҳисобланган (кўк ранг) ўзгариши вақт қаторлари

Диссертациянинг “Нормал баландликлар тизимини ўрнатиш усуллари” деб номланган тўртинчи бобида йўлдош GNSS-нивелирлашни амалга ошириш масалалари Ер гравитацион майдони глобал моделлари (EGM2008, EIGEN – 6C4 каби) маълумотлари билан жамланган ҳолда кўриб

чиқилган. Гармоник коэффициентлар хатоликларининг EGM2008 модели бўйича аниқланган квазигеоид баландлиги ва шоқул чизиғининг оғишини ҳисоблаш аниқлигига таъсири бутун ер сирти бўйлаб ўрта квадратик хатолиги (ЎКХ) 11 см ва 1" даражада баҳоланади, республикамиз ҳудудида уларнинг қиймати мос равишда 35 см ва 3.5" гача етади. Бундай паст аниқликнинг асосий сабаби ўлчов маълумотларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва моделларнинг хусусий аниқлигидир. Таҳлил икки босқичда ўтказилди: амалда қўллаш учун Ер гравитацион майдони моделини танлаш ва республиканинг рақамли гравитацион модели оптимал сиртини қуриш учун интерполяция усулларини тадқиқ этиш. Тадқиқот объекти сифатида Фарғона водийсининг 39°≤φ≤44° ва 65°≤λ≤75° ораликдаги ҳудуди танланди. Тадқиқот объектининг танланиши қуйидаги омиллар билан изоҳланади: қулай географик жойлашув, Памир ва Тянь-Шань тоғ массивларининг оғирлик кучи ўзгаришларига таъсирини таҳлил қилиш учун ўлчашлар банки, оғирлик кучининг жаҳондаги энг катта аномалияси мавжудлигини тасдиқловчи замонавий гравиметрик тадқиқотлар.

Танланган *P* нуқта учун нормал баландликлар интерполяцияси аниқлигининг таҳлили фарқларни баҳолашга асосланди:

$$\Delta\zeta(P) = \zeta_H(P) - \zeta_{EGM2008}(P) \tag{7}$$

бу ерда $\zeta_H(P) = H^{GPS}(P) - h^{клас.}(P)$ – геоиднинг баландлик аномалияси, $H^{GPS}(P) - \text{GPS}$ ўлчовлар бўйича эллипсоидал баландлик, $h^{клас.}(P)$ – юқоридаги усуллардан фойдаланилган ҳолда BGI маълумотлар базасидан олинган интерполяция қиймати, $\zeta_{EGM2008}(P)$– геоиднинг EGM2008 модел бўйича *P* нуқтадаги қуйидагича аниқланувчи баландлиги:

$$\zeta(B,L,H) = \frac{fM}{\gamma(B,L,h)r}\sum_{n=2}^{N}\left(\frac{a}{r}\right)^n \sum_{m=0}^{n}\overline{P}_{nm}(\sin\varphi)(\overline{C}_{nm}\cos\lambda + \overline{S}_{nm}\sin\lambda) \tag{8}$$

Фарғона водийсида 2010 йилдан 2015 йилгача ўтказилган GNSS ўлчовлар ёрдамида 9 та пунктнинг эллипсоидал баландликлари қиймати аниқланди. 1 класс классик геометрик нивелирлаш натижалари Тулузадаги халқаро гравиметрик бюро базаси маълумотларидан олинган. EGM2008 модели бўйича геоид аномалияси қийматлари GFZ Calculation Service of the International Center of Global Terrestrial Models (ICGEM) Германия Ер тадқиқотлари маркази сервисидан фойдаланиб ҳисобланган.

ArcGIS дастурий мажмуада ишлаб чиқилган қуйидаги тўрт интерполяция усули тадқиқ этилди: Яқин Қўшни (Natural Neighbor), Тескари Муаллақ Масофалар (Inverse Distance Weighting), Кригинг (Kriging) ва Топо Растрга. Базадаги очиқ 1 класс геометрик нивелирлаш натижалари билан солиштириш «Natural Neighbor» ва «Topo to rastr» усуллари берилган “тоғ” рельефли ҳудуд учун ҳам, “текис” рельефли ҳудуд учун ҳам жуда аниқ аппроксимацияга (ЎКХ 35 м) эга ва минтақанинг нормал баландликлар

маҳаллий рақамли моделини ҳисоблашда қўлланилиши тавсия этилиши мумкин (8-расм).

EIGEN–6C4 ва EGM2008 Ер гравитацион майдони моделларини солиштириш инструментал маълумотлар ва баландлик ҳамда оғирлик



8-расм. Нормал баландликлар юзасини интерполяциялаш натижалари

